




Tadqiqot UZ



**ЎЗБЕКИСТОН
ОЛИМЛАРИ ВА
ЁШЛАРИНИНГ
ИННОВАЦИОН
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТАДҚИҚОТЛАРИ
МАВЗУСИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ**

2021

- » Ҳуқуқий тадқиқотлар
- » Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар
- » Тарих саҳифаларидаги изланишлар
- » Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни
- » Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни
- » Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар
- » Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар
- » Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши
- » Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши
- » Техника ва технология соҳасидаги инновациялар
- » Физика-математика фанлари ютуқлари
- » Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар
- » Кимё фанлари ютуқлари
- » Биология ва экология соҳасидаги инновациялар
- » Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари
- » Геология-минерология соҳасидаги инновациялар



**30 NOYABR
№34**

CONFERENCES.UZ

**“ЎЗБЕКИСТОН ОЛИМЛАРИ ВА
ЁШЛАРИНИНГ ИННОВАЦИОН
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАРИ”
9-ҚИСМ**

**«ИННОВАЦИОННЫЕ НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
УЧЕНЫХ И МОЛОДЕЖИ УЗБЕКИСТАНА»
ЧАСТЬ-9**

**«INNOVATIVE SCIENTIFIC AND PRACTICAL
RESEARCH OF SCIENTISTS AND YOUTH OF
UZBEKISTAN»
PART-9**

ТОШКЕНТ-2021



УУК 001 (062)
КБК 72я43

“Ўзбекистон олимлари ва ёшларининг инновацион илмий-амалий тадқиқотлари” [Тошкент; 2021]

“Ўзбекистон олимлари ва ёшларининг инновацион илмий-амалий тадқиқотлари” мавзусидаги республика 34-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 30 ноябрь 2021 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2021. - 9 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн конференция 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий конференцияси таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳлил қилинган конференцияси.

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1. Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б., ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2. Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна (Фарғона давлат университети)

3. Тарих саҳифаларидаги изланишлар

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4. Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

5. Давлат бошқаруви

Доцент Шакирова Шохидат Юсуповна (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети)

6. Журналистика

Тошбоева Барнохон Одилжоновна (Андижон давлат университети)

7. Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)



8. Адабиёт

PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9. Иқтисодиётда инновацияларнинг туган ўрни

Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10. Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

11. Жисмоний тарбия ва спорт

Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12. Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13. Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши

Бобохонов Олтибой Раҳмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14. Тасвирий санъат ва дизайн

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15. Муסיқа ва ҳаёт

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16. Техника ва технология соҳасидаги инновациялар

Доцент Нормирзаев Абдуқайом Раҳимбердиевич (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

17. Физика-математика фанлари ютуқлари

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган муҳандислик-технология институти)

18. Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар

Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19. Фармацевтика

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

20. Ветеринария

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

21. Кимё фанлари ютуқлари

Раҳмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



22. Биология ва экология соҳасидаги инновациялар

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

23. Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

24. Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

25. География

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг хаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

**ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАРНИНГ
ТУТГАН ЎРНИ**

1. Каландаров Абдулла Бахтиёрович
МУАММОЛИ КРЕДИТЛАР ТАСНИФИ ВА УЛАРНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШ
ОМИЛЛАРИ.....7



ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

МУАММОЛИ КРЕДИТЛАР ТАСНИФИ ВА УЛАРНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШ ОМИЛЛАРИ

Каландаров Абдулла Бахтиёрович

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси
+998(97)725-90-80, mfua-msk@mail.ru

Аннотация: Тижорат банкларидаги муаммоли кредитлар банкларнинг иқтисодий кўрсаткичларига ўз салбий таъсирини кўрсатиб, банкларнинг даромадлилиги ва тўлов қобилиятини камайтириб келмоқда. Кўп ҳолларда кредит ва инвестиция жараёнини нотўғри ташкил этиш, молиявий барқарорликни заифлашишига, ҳамда активлар қайтмаслигига олиб келмоқда. Мақолада тижорат банкларидаги мавжуд муаммоли кредитлар таснифи ва уларнинг вужудга келиш омиллари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Банк, кредит, қарз олувчи, муддати ўтган қарз, муаммоли кредит, ҳаракатсиз кредит, NPL, кредит мониторинги, кредит қайтмаслик хавфи.

Кириш. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 13 июндаги 14/5 – сонли “Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” ги қарорида муаммоли активлар (кредитлар) – сифати “қониқарсиз”, “шубҳали” ва “умидсиз” деб таснифланган активлар дея тариф бериб ўтилган [1].

Демак, муаммоли кредитни бошқариш жараёни нафақат «умидсиз» деб таснифланган кредитларни баҳолаш ва улар билан ишлашни, балки “қониқарсиз” ва “шубҳали” деб таснифланган кредитларни кузатишни ҳам ўз ичига олади.

Асосий қисим. Банклардаги кредитлаш салоҳиятининг ортиши миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланишига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Ички бозорлардан ва чет эл банклари томонидан жалб қилинган молиялаштириш манбааларининг мавжудлиги туфайли банкларнинг қўшимча маблағларга бўлган талаби қондирилмоқда. 2021 йил 2 чорагида мамлакатимиз банкларининг кредит портфелларида муаммоли кредитлар даражаси ўртача 5,6% ни ёки 16 794,00 млрд.сўмни ташкил этмоқда [2].

Муаммоли кредитларнинг вужудга келиш сабаблари бу – амалга оширилган кредит рискларидир. Уларнинг баъзилари мижознинг ўз ҳаракатлари, баъзилари банк томонидан келиб чиқиши ва баъзилари ташқи муҳит омиллари туфайли юзага келиши мумкин.

Кредит ресурслари қийматининг ошиши, банк кредит портфелининг ёмонлашувига олиб келувчи муҳим омиллардан ҳисобланади. Банклар ўз даромадларини максималлаштириш мақсадида кредитлар бўйича фоиз ставкаларини оширишади. Кейинчалик бу қарз олувчининг харажатларини кўпайишига, ўз маҳсулотлари таннархининг ошишига ва натижада савдо айланмасини секинлашувига, даромадлар ва рентабелликни камайишига олиб келади. Шу сабабдан қарз олувчи кредит бўйича тўловларни ўз вақтида амалга оширишда қийинчиликларга дуч келиши мумкин. Натижада зиддият юзага келади, кредитлар бўйича фоиз ставкалари даражасини ошириш кредитларни қайтармаслик хавфининг ортишига сабаб бўлади.

Бу муаммо белгилари билан барча кредитларни куйидагиларга ажратиш мумкин:

❖ биринчидан, қўшимча назоратга олинган кредитлар муаммоли кредитларнинг огоҳлантирувчи белгилари бўлган кредитлардир;

❖ иккинчидан, муаммо босқичида қарз олувчининг ҳисоб рақам айланмаси камайган ва 1 – 2 кун мунтазам кечикишлар билан боғлиқ бўлган, қарздорнинг фаолиятида салбий



прогноз вужудга келган кредитлардир;

❖ учинчидан, муаммоли кредит қарз олувчининг молиявий кўрсаткичларининг сезиларли даражада ёмонлашуви, мунтазам тўловларда сурункали кечикишлар пайдо бўлиши билан боғлиқ бўлган кредитлардир.

Тақдим этилган кредит муаммолари белгиларидан келиб чиқиб, кредит мониторинги жараёнини тўғри ташкил этишнинг аҳамияти ҳақида гапиришимиз мумкин, чунки у банк ходимларига кредит муаммоларининг дастлабки белгиларини олдиндан аниқлашга ёрдам бериши мумкин. Албатта, муайян ҳолатлар (масалан, қарз олувчи томонидан сохта молиявий ҳисоботларни тақдим этилиши) туфайли банк портфелидаги муаммоли кредитларни аниқлаш ҳар доим ҳам мумкин эмас. Шунга қарамай, банкда муаммоли кредит билан ишлашни тўғри ташкил этиш «муаммо» нинг исталган босқичида банкнинг кредитларни тўламаслик оқибатида юзага келадиган зарарларини камайтириш имконини беради [3].

Бугунги кунга келиб, мамлакатимиз тижорат банкларида мавжуд муаммоли кредитлар даражаси юқори нуқтага яқинлашган бўлиб, 2021 йил 1 июль ҳолатига кредитлар бўйича муаммоли кредитлар умумий ҳажми ЯИМ га нисбатан 5,2% га, давлат бюджетининг харажатларига нисбатан 21,1% га, бутун банк тизими активларига нисбатан эса 5,6% га тенг бўлди¹. Банк тизимининг инқирози, халқаро банк амалиётига асосан, банк тизими активларининг 10 фоизи нуқтасидан бошланган, бу эса мазкур муаммони ечиш бўйича кескин чоралар қабул қилиниши зарурлигини билдиради. Тижорат банкларидаги NPL кўрсаткичининг кредит портфелидаги улуши сўнгги 3 йил ичида юқори ўсиш динамикасини кўрсатди. Агар 2018 йил бошида муаммоли кредитларнинг банклар кредит портфелидаги улуши 1,2% ни ташкил этган бўлса, 2021 йилнинг 1 чорагига келиб бу кўрсаткич 5,6% га етди.

Хулоса. Кредит рискларини бошқариш ва муаммоли кредитларни олдини олишда асосий мезон бўлиб миқдорнинг кредит тарихини ўрганиш ҳисобланади. Кредит тарихи билан ишловчи кредит бюрolari дефолтлар даражасини пасайтириш ҳамда молиялаштиришни тўхтатиб турувчи омилларни камайтиришга ёрдам беради. Мазкур фаолиятнинг истиқболдаги ривож бевосита ахборотнинг ишончилиги, ўз вақтида бўлиши ва тўлиқ очиб берилишини ўз ичига олувчи ахборотнинг шаффофлиги даражасига боғлиқ бўлади. Бироқ шуни унутмаслик зарурки, кредит тарихи билан боғлиқ фаолият аниқ ишлашни бошлаши, реал ишловчи моделни ташкил этиш ҳамда зарур бўлган ахборотни йиғиш учун маълум вақт керак бўлади. Бу моделнинг истиқболдаги фаолияти эса кредит бюрolariда йиғиладиган ахборотнинг сифатига ҳамда ундан самарали фойдаланиш даражасига боғлиқ бўлади.

Тижорат банклари муаммоли кредитларнинг келиб чиқишини олдини олиш ҳамда мавжуд муаммоли кредитларни бартараф этиш жараёнини самарали олиб бориш учун муаммоли кредитлар билан ишлаш фаолиятининг босқичларини ягона тизимга жамлаш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 13 июндаги 14/5 – сонли “Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” ги қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.04.2018 й., 10/18/2696-2/1120-сон.

2. Kalandarov, A. (2020) «Mechanisms and methods for minimizing problem loans in banks,» International Finance and Accounting: Vol. 2020 : Iss. 4 , Article 13.

3. Каландаров А.Б. (2020) “Банклардаги муаммоли кредитларни бошқаришнинг долзарб масалалари”, Илм-фан ва инновацион ривожланиш илмий журнали, 2020. – №6. – Б. 19-26.

¹ Марказий банк ҳамда Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

“ЎЗБЕКИСТОН ОЛИМЛАРИ ВА ЁШЛАРИНИНГ ИННОВАЦИОН ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАРИ”

(9-қисм)

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович
Мусаҳҳиҳ: Файзиев Фаррух Фармонович
Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 30.11.2021

Контакт редакций научных журналов. [tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of [tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000
